



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси  
1990 йил 1 мартдан чиқа бошлаган.



Муҳим саналар

№ 18 (731) 30.09.2023 | 15.03.1440

## Муборак суннатга эргашиш –

### саодатимиз

Ҳижрий ойларнинг учинчиси Рабиул аввал оламлар сарвари, суюкли пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таваллудлари билан фазилатли бўлди. Шу муносабат билан ҳар йили Рабиул аввал ойида сарвари оламнинг сийратларини ўқиб-ўрганиш, у зотга янада кўпроқ муҳаббат қилиш, салавотлар айтиш мусулмонларнинг ода-тига айланган.

Башарият тарихида ҳеч бир кишининг ҳаёти Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётларичалик тўлиқ ва батафсил ўрганилмаган.

Аллоҳ Ҳабибининг шарафли ва қутлуғ ҳаётларини, Исло-м тарихини мукаммал ўқиб-ўзлашти-ришимиз шарт. Сабаби, аввало, барча инсонлар у зотнинг хизматлари олдида қарздордир.

Расулulloҳнинг сийратлари-ни яхши билмасдан Қуръони карим ва бошқа ислоний илмлар-ни пухта эгаллаб бўлмайди. Биз шу баракотли зот шарофатидан энг яхши уммат бўлганимизни асло эсдан чиқармаслигимиз керак. Зотан, иймонимизнинг



комиллиги Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббатимизга қараб белгиланади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салам: **“Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, ҳеч бирингиз токи мен унга отасидан ҳам, боласидан ҳам маҳбуброқ бўлмаганимча (ҳақиқий) мўмин бўла олмайди”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ривояти).

Набий алайҳиссаломга кўп-кўп салавот айтишни унутмайлик. Зеро, Аллоҳ таоло: **«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга салавот айтурлар. Эй мўминлар! (Сизлар ҳам) унга салавот ва салом айтингиз»**, деб амр қилган (Аҳзоб сураси, 56-оят).

Аллоҳ таолонинг муҳаббати Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишга, суннатларига амал қилишга боғлаб қўйилган. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Айтинг (эй Муҳаммад!): “Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашингиз. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират этади. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир”»** (Оли Имрон сураси, 31-оят).

Биз у зоти шариф алайҳиссалом туфайли шодланамиз. Зотан, Юнус сурасининг 58-оятда: **«Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан»** шодланиш буюрилган. Бу оятни Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: **«“Аллоҳнинг фазли ва раҳмати”дан мурод пайғамбаримиз алайҳиссаломдир»**, деб тафсир қилган.

Ибн Жавзий раҳимахуллоҳ мавлидни нишонлаш баракотга сабаб бўлишини, Имом Суютий эса мавлид муносабати билан фаришталар тўпланишини, Аллоҳнинг фазли ва баракоти ёғилишини таъкидлаган.

2-бетда

### Долзарб мавзу

## Фатво бериш масъулияти

“Фатво” араб тилида “саволга жавоб бериш” маъносини англатади. Истилоҳда эса, шаръий масала ҳақида савол сўраган одамга ҳужжат-далил асосида жавоб беришдир.

Биринчи фатво берган киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдир. У зотдан сўнг саҳобалар, тобеин ва кейинги давр мужтаҳид уламолари фатво бериш билан шуғулланиб, ушбу анъана бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Мусулмонлар ҳаётида пайдо бўладиган саволларга жавоб – фатво бериш фарзи кифоядир.

Фатво бериш ёки уламолар фатволарини нақл қилишнинг ўзига хос талаблари бор. Чунки Қуръони каримнинг ўзига хос

мўъжизакорлиги, балоғат ва фасоҳатининг ниҳоятда юқорилиги, жумлаларнинг тузилиши ва бошқа жиҳатлари шу вақтгача ақлларни лол қолдириб келган. Шу боис Қуръон ва ҳадисга асосланган ҳолда мусулмонларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, инсон камолоти, жамият фаровонлиги ҳамда унинг ижтимоий тараққиётини кўзлаб ҳукм чиқариш алоҳида билим ва малака талаб этади.

Араб тили, Қуръон ва ҳадис илмлари, фикҳ ва ислом тарихини жуда чуқур ва мукаммал биладиган ва яна бошқа зарур сифатларга эга бўлган шахсларгина фатво бериш ҳуқуқига эга.

Бирор-бир масалада ҳукм

чиқариш зарур бўлиб қолса, аввало, ўша юртда тарқалган фикҳий мазҳаб қоидаларига таянилади. Агар уларда масаланинг ечими топилмаса, мусулмонларга енгиллик яратиш мақсадида фақат муфтийлар фатво чиқаришга ҳақли.

Исломида фатвонинг ўрни ва таъсири муҳим бўлиши билан бирга, ўта масъулиятли вазифа ҳам ҳисобланади. Чунки фатвода Аллоҳнинг ҳукмларини баён қилиш мақсад қилиниб, унда ҳалол-ҳаром, савоб-гуноҳ, жаннат-дўзах орасидаги амаллар кўрсатиб берилади.

Имом Шотибий раҳимахуллоҳ фатво бериш масъулияти ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди:

7-бетда

### ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

✓ 15 сентябрь. Мисрнинг “Ал-Азҳар” университети олимлари – усулид дин фанлари доктори Шайх Аҳмад Ражаб Аҳмад Ад-авий ва Шайх Аҳмад Муҳаммад Али Мир Араб олий мадрасасида иш бошлашди.

✓ 19 сентябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси масъул ходими Музаффар Жабборов Термиздаги Имом Термизий мадрасаси директори этиб тайинланди.

✓ 21 сентябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Финляндия мусулмонлари жамоаси бош имоми Рамиль Беляев бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

✓ 22 сентябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги “Ҳожи Шайхуддинхўжа” масжиди янги биносининг очилиш маросимида қатнашди.

✓ 22 сентябрь. Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактабида “Давлат ва дин муносабатлари” мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ 25 сентябрь. Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги “Абдухалиқ Ғиждувоний” жоме масжидининг янги биносига биринчи ғишт қўйилди.

✓ 25 сентябрь. “Диний бағрикенглик” кўрак нишони таъсис этилди.

✓ 25 сентябрь. Фарғона вилояти бош имом-хатиби Убайдуллоҳ Абдуллаев бошчилигидаги вакиллик жамоаси “Фарғона саховат интернат уйи”да истиқомат қилаётган ёлғиз кексаларга Мавлид ойи ҳадялари улашишди.

✓ 27 сентябрь. Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти 1-босқич талабаларига Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво марказида амалий машғулот ўтилди.

✓ 27 сентябрь. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан Қозоғистондаги Фалсафа, сиёсатшунослик ва диншунослик институти ўртасида ҳамкорликка доир Англашув меморандуми имзоланди.



# Унга эргашини — ҳидоят топгайсиз

“

**«Айтинг: “Эй одамлар! Мен сизларнинг барчангизга (юборилган) Аллоҳнинг расулидирман. У осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Ўз қўлида бўлган зотдирки, Ундан ўзга (ҳеч бир) илоҳ йўқ. (У) тирилтиради ва ўлдиради. Бас, Аллоҳга ва Унинг расулига иймон келтирингиз! У Аллоҳга ва Унинг калималарига ишонадиган уммий пайғамбардир. Унга эргашингиз, шоядки ҳидоят топсангиз!”»**  
(Аъроф сураси, 158-оят).

Ушбу ояти каримада икки дунё саодатига эришишнинг калити уммий пайғамбар — Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш экани таъкидланмоқда. Мадина яҳудийлари ва баъзи насронийлар: “Муҳаммад Бани Исроилга эмас, арабларга юборилган чин пайғамбардир”, дейишди. Чунки у зотдан олдин ўтган пайғамбарлар муайян қавм учун юборилган. Уларнинг рисолати ва шариатлари ҳам муваққат бўлар эди. Яҳудийлар Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламининг пайғамбарликларини

тан олишса-да, рисолатларини қабул қилишдан бош тортишди. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди: «(Эй Муҳаммад!): “Эй одамлар! Мен сизларнинг барчангизга (юборилган) Аллоҳнинг расули (элчиси)дирман”, деб айтинг».

Дарҳақиқат, Набий солаллоҳу алайҳи ва саллам нафақат инсониятга, балки жинларга ҳам юборилган элчи — пайғамбар. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **“Менга ўзимдан олдин ҳеч кимга берилмаган беш нарсаси берилди: бир ойлик масофадан (душман юрагига) гулгула солиши ила нусрат берилди; ер мен учун саждагоҳ ва покловчи қилинди; умматимдан қай бир киши намозга етишса, уни ўқисин; менга ўлжалар ҳалол қилинди, мендан олдин ҳеч кимга ҳалол қилинмаган эди; менга шафоат ҳуқуқи берилди; (ҳар бир) набий фақат ўзининг қавми учун юборилар эди, мен эса, барча одамларга юборилдим”** (Имом Бухорий ривояти).

Имом Муслимнинг ривоятида **“Мен бошқа пайғамбарлардан олти нарсаси билан афзал қилиндим: менга жавомеул калим берилди, (душман юрагига бир ойлик масофадан) кўрқув солиши билан ёрдам берилди, ўлжалар ҳалол қилинди, ер саждагоҳ ва покловчи қилиб берилди, ҳалойиқнинг барчасига элчи қилиб юборилдим ва набийлар мен билан муҳрланди (яқунланди)”**, дейилган.

**«Унинг калималари»** илоҳий китоблардир. Баъзи муфасссирлар **“Унинг калималари”** — дан мурод Исо ибн Марямдир дейишган.

**“Уммий”** — ўқиш-ёзишни билмайдиган. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламга бериладиган бу нисбат Куръони каримнинг бир неча ўрнида келади. Чунки ўқиш-ёзишни билмаслик Набий алайҳиссалом учун айб-нуқсон эмас, балки ҳақ пайғамбар эканларини тасдиқловчи ҳужжат-мўъжиза, мақтовдир. Агар у зот уммий бўлмаганларида “Куръони каримни ўзи ижод қилган, тўқиб олган”, “қайсидир устоздан ўрганган”, деган тухмат-иғволарга қолган бўлар эдилар. Дарҳақиқат, ўқиш-ёзишни билмайдиган, бирор устоздан таълим олмаган одамнинг ҳам маънода, ҳам шакл-услубда бундай етук ва фахриятли калималарни сўзлаши мўъжизадан ўзга нарсаси эмас.

**«Унга эргашингиз, шоядки ҳидоят топгайсиз!»** Демак, ҳақиқий маънода



ҳидоят топиш учун Аллоҳ таолога ва расулига иймон келтиргандан сўнг, у зотга эргашиш шарт қилинмоқда. Иймон келтиришнинг ўзи кифоя қилмас экан. Бошқа оятда Аллоҳ таоло: **«Айтинг (эй Муҳаммад!): “Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашингиз. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират этади. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир”»**, деб марҳамат қилади (Оли Имрон сураси, 31-оят).

Манбалар асосида

Ховос тумани бош имом-хатиби

**Абдуғаффор МУҲАММАДИЕВ**

тайёрлади.



Абдуғаффор Муҳаммадиев 1974 йида Сирдарё вилояти Ховос туманида туғилган. Мир Араб ўрта махсус ислом таълим муассасаси ва Тошкент ислом институтида таҳсил олган. 1999 йилдан буён Ховос тумани бош имом-хатиби.

## Муҳим саналар

1-бетда

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Аллоҳнинг Ҳабибидан: “Нега душанба куни нафл рўза тутасиз?” деб сўралганида, у зот: “Мен шу кунда туғилганман”, дедилар»** (Имом Муслим ривояти). Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам душанба куни туғилганлари ва пайғамбарликка мушарраф бўлганлари шукронаси учун рўза тутганлар.

Уламолар мавлиди шариф ҳақида қатор мулоҳазалар билдиришган. Куръони каримда:

**«(Эй Муҳаммад!) Биз Сизни (бутун) оламларга айна раҳмат қилиб юборганмиз»** (Анбиё сураси, 107-оят) дея марҳамат қилинган. Биз ҳам мавлид баҳона у зоти олийнинг насаблари, туғилишлари ва ҳаётлари тарихидан хабардор бўламиз, сифатларини мақтаймиз, оламлар сарварига дуруд салаотлар йўллаймиз.

Ҳазрат Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида Ҳасан ибн Собит, Каъб ибн Молик ва Абдуллоҳ ибн Равоҳа каби шоирлар Ислонни ҳимоя қилиб, у зотни

мақтаб шеърлар битарди. Бу ҳам мавлиднинг бир кўриниши, десак хато бўлмас.

Ҳар ким севгани билан бирга бўлиши ҳақида ҳадиси шариф бор. Расулulloҳни севсак, яхши кўрсак, ҳар қорун ҳолда жанобимизга издошлик қилсак, иншоаллоҳ, охирада ҳам у зоти шариф билан бирга бўламиз.

Бу ойда кўпроқ Набийи муҳтарам солаллоҳу алайҳи ва салламга салават айтиш, у зотнинг ҳаётларини тўлиқ ўрганиш, сийратларини билиш, суннатларини ихё қилиш — одамлар ўртасида саломни кенг ёйиш, бева-бечора, етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, ўқув-шартнома пулини тўлай олмаётган талабаларга кўмаклашиш, Куръони каримни хатм қилиб, Набий алайҳиссаломнинг руҳи покларига бағишлаш ва яна кўплаб хайрли ишларни қилиш мумкин.

Биз ўзимиз, фарзандларимиз ва қариндош-уруғларимизнинг, яъни оддий бир бандаларнинг туғилган кунларини дабдаба билан

нишонлаймиз. Ҳатто энди бир ёшга кириган гўдакнинг туғилган кунини, ўзи буни тушунмаса-да, баъзан хўжақўрсинга катта байрам қиламиз.

Шундай экан, Аллоҳ суйган бандаларнинг энг қомили, одамларни ҳидоят йўлига бошлаш учун юборган элчиси Муҳаммад алайҳиссаломнинг мавлидларини билмаслик аянчли ҳол.

Пайғамбаримизнинг ҳаётлари шу кунга қадар умматлари учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб келмоқда. Зуваласи ҳалоллик ва одиллик, ростгўйлик ва раҳмдиллик туйғулари ила қорилган Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги, фақат У Зотга сиғиниб, У Зотдан мадад сўраш лозимлигини ўқитдилар.

Етимликда ўсган, аввал чўпонлик, сўнгра савдо ишлари билан шуғулланиб юрган йигит Аллоҳнинг инояти билан буюк пайғамбар бўлдилар. Аммо шундан кейин ҳам Пайғамбаримиз камтарона феъл-атвор, фақирона турмуш тарзини

ўзгартирмадилар. Ўткир ақл, тафаккур билан одамларни ҳақ йўлига бошладилар, ҳаёт тарзи орқали қандай яшаш кераклигини амалда кўрсатиб кетдилар. Шу боисдан Пайғамбаримизнинг муборак сўзларию амаллари, ҳадислари замонлар, маконлар оша башариятни ҳайратга солиб келмоқда.

Машҳур олмон шоири Вольфганг Гёте: **“Мен дунё тарихини ўрганиб бир хулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган жамики салтанату сарват-бойликлар, шоҳона қасрлару муҳташам саройлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ямоқ яқтакларига арзимас экан”**, деган хулосанинг ўзи ҳам Пайғамбаримизнинг мартабалари нақадар улуғ эканини кўрсатади.

Аллоҳ таоло Набий солаллоҳу алайҳи ва салламга кўпдан-кўп салаватлар айтишни, у зотнинг оламшумул суннатларини ихё қилишни барчамизга насиб этсин!

Абдуқаҳҳор ЮНУСОВ,

Тошкент шаҳар бош имом-хатиби



# Қисса айтиб беришдаги маҳоратлари\*

Таълим-тарбия беришда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам қўллаган усуллардан яна бири қиссалар айтиб бериш эди. Айтилган қисса билан бирон фикрни изоҳлашда, изоҳ талаб масалани баён қилишда фойдаланар эдилар. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам келтирган қиссалар жуда кўп фойдали масалаларни ўз ичига оларди. Жумладан, баъзи қиссалари тавҳид масалаларига тегишли бўлган. Уларда Аллоҳга иймон келтириш, Аллоҳнинг қазо-қадарига сабр қилиш вожиб экани, Унинг буйруғига таслим бўлиш, тавбанинг фазилати, Аллоҳга юзланиш, Аллоҳ билан бўладиган муомалада содиқ бўлиш, таваккул ва розиликнинг фазилати каби масалалар баён қилинган. Бундан ташқари, бу қиссаларда олдинги ўтган иймонли кишилар Аллоҳ йўлида қандай азобларга дучор бўлгани, инсонлар билан муомала қилишдаги умумий одобларга тааллуқли масалалар, ота-онага яхшилик қилиш, қариндошчилик алоқаларини боғлаш, заифларга ёрдам бериш каби масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, бундан бошқа катта мақсадлар ва қимматли асослар ҳам айтиб ўтилади.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг қиссалари ишончли экани билан ажралиб туради. Чунки ўша ҳодисалар ҳақиқатдан ҳам ҳаётда содир бўлган ва унинг қаҳрамонлари ҳам ҳаётда эди. Ундан ташқари, бу воқеаларни сўзлаб берувчи киши ҳам ростгўй, ишочилиги тасдиқланган зот бўлиб, ҳавойи нафсларидан келиб чиқиб гапирмаганлар. Айтган гаплари ваҳий қилинган сўзлар бўлган. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг қиссалари улуғ ва олий мақсадларга қаратилган эди. Уларнинг жумалари кенг қамровли, мақтовга сазовор жиҳатлари кўп, қизиқарли ва жозибадор эди.

Қуйида ана шундай қиссалардан бирини келтиришга ижозат бергайсиз.

## Бешиқдаёқ гапирганлар қиссаси

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Бешиқда фақатгина уч киши гапирган: биринчиси – Исо

\* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

алайҳиссалом, иккинчиси – Бани Исроилда Журайж исми бир киши (билан содир бўлган воқеадаги чақалоқ) эди. У (Журайж) намоз ўқиётганида онаси келиб, уни чақирди. У ўзича «Онамга жавоб берсаммикан?» деб ўйлади. Шунда она (ғазабланиб): «Аллоҳим, унга суюқоёқ аёлларни кўрсатмай туриб жонини олмагин», деб қарғади. (Шу воқеадан кейин) бир кун Журайж ўз ибодатхонасида (ибодат қилар) эди. Унга бир аёл рўбарў бўлиб, (зино ҳақида) гапирди. У бош тортди. Шунда аёл бир чўпоннинг олдида бориб, унга ўзини топширди. Кейин ўғил туғди ва уни Журайждан деб туҳмат қилди. Шунда одамлар олдида келиб, ибодатхонасини бузишди, ўзини олиб чиқиб, ҳақоратлашди. Кейин уни дўппослай бошлашган эди, Журайж: «Нима бўлди сизларга, нима учун бундай қилиясизлар?» деди. Улар: «Фалончи фоҳиша билан зино қилибсан, сендан фарзанд кўрибди-ку?» дейишди. У: «Қани чақалоқ?» деб, ўша чақалоқни олиб келишларини сўради. Чақалоқни олиб келишган эди, «Тўхтанглар, мен намоз ўқиб олай», дея намоз ўқишга киришди. Кейин боланинг олдида бориб, унинг қорнига ниқтаб: «Эй бола! Сенинг отанг ким?» деди. Шу пайт бола бирдан тилга кириб: «Фалончи чўпон», деди. (Бу ҳолатни кўриб, эшитиб турган) одамлар ҳақиқатни англаб, Журайжга муҳаббатлари жўшиб, унинг юз-кўзидан ўпишга тушиб кетишди. «Сенга олтиндан ибодатхона қуриб берамиз», дейишган эди, Журайж: «Йўқ! Аввал қандай бўлса, ўшандай қилиб, лойдан қуриб берсаларинг бўлди», деди. Улар қуриб беришди.

Учинчиси, Бани Исроилдан бир аёл ўғлини эмизайётган эди. Унинг олдида бир хушсурат киши отмини ўтиб қолди. Шунда аёл: «Аллоҳим! Ўғлимни шунга ўхшатгин!» деди. Шу пайт бола унинг кўкрагини қўйиб, отлиққа қараб: «Аллоҳим! Мени унга ўхшатмагин!» деди ва яна онасини эмишда давом этди».

Абу Хурайра розияллоху анху: «Мен Набий алайҳиссалом (қиссани айтиб бераётганларида) ўз бармоқларини сўриб кўрсатганлари ҳамон кўз ўнгимда», деган.

«Кейин (она-бола) бир аёлнинг олдида ўтиб қолишди. Одамлар у аёлни «Сен зино қилдинг, ўғрилиқ қилдинг», деб уришайётган эди. Аёл эса: «Аллоҳим менга кифоядир, У Зот нақадар яхши вакил», дер эди.

Шунда чақалоқнинг онаси: «Аллоҳим! Ўғлимни шунга ўхшатмагин!» деди. Бола эса унинг кўкрагини қўйиб: «Аллоҳим! Мени унга ўхшатгин!» деди. Бундан ажабланган она: «Бир башанг, хушбичим эркак олдимиздан ўтиб кетди. Мен: «Аллоҳим, боламни шунга ўхшатгин», деб дуо қилсам, сен: «Аллоҳим! Мени унга ўхшатмагин!» дединг. Боя эса бир аёлнинг олдида ўтдик. Одамлар у аёлни «Зино қилдинг, ўғрилиқ қилдинг», деб уришайётган эди. Мен ҳам: «Аллоҳим! Ўғлимни шунга ўхшатмагин!» десам, сен яна (менинг гапининг зиддини айтиб): «Аллоҳим! Мени унга ўхшатгин!» дединг. Нима учун?» деди она. Бола яна тилга кириб, онасига бундай жавоб берди: «Ҳалиги эркак золимлардан эди. Шунинг учун: «Аллоҳим, унга ўхшатмагин», деб дуо қилдим. Бу аёлга «Сен зино қилдинг», дейишайётган эди, лекин у зино қилмаган эди. «Ўғрилиқ қилдинг», деб туҳмат қилишайётган эди. Ҳолбуки, аёл ўғрилиқ ҳам қилмаган эди. Шунинг учун ҳам мен: «Аллоҳим, мени унга ўхшатгин», деб дуо қилдим».

Мазкур ҳадисда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Бани Исроилнинг обидларидан бири бўлган Журайж қиссасини ҳикоя қилдилар. У ибодат билан машғул бўлиб, онасининг чақириғига жавоб бера олмади. Шунда онаси уни дуоибад қилиб юборди. Аллоҳ таоло Ўз ваъдасига мувофиқ онанинг дуосини ижобат қилиб, унга зинокор аёлни йўлиқтирди. У аёл Журайжни зинода айблади. Шу боис Журайж азобланди, кулбаси бузиб ташланди. Онанинг дуоси амалга ошган бўлса ҳам, ибодатининг баракаси сабабли Аллоҳ Журайжга нажот берди. Бу қиссадан ота-онага яхшилик қилиш улуғ фазилат экани хулоса қилинади. Хусусан, онанинг ҳақиға риоя қилиш кераклиги тушунилади. Онанинг дуоси ижобат бўладиган дуолардандир. Ҳаётда кишига қандай иш рўбарў келмасин, улардан энг муҳими онанинг ҳақидир. Аллоҳ таоло Ўзи дўст тутган бандаларига қийинчилик билан синов берилган вақтларда уларга далда бериб, шундай хитоб қилади: «Кимки Аллоҳга тақво қилса, У Зот унга чиқиш йўлини пайдо қилур» (Талоқ сураси, 2-оят).

Саййид Муҳаммад Ҳасанийнинг «Икки олам сарвари» асаридан Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ таржимаси

## Масала

## Динда саволим бор...

**САВОЛ:** Намозда бир саждани унутган киши нима қилиши керак?

**ЖАВОБ:** «Шарҳи муня» китобида бундай дейилади: «Намознинг бирор ракатидан фақат битта саждасини қилиб, иккинчисини унутиб қилмагани кейинги ракатнинг қиёми, рукуси ёки саждасида ёдига тушган киши дарҳол унинг қазосини, яъни саждани қилиши керак. Лекин қолдирган саждаси ёдига тушмаса, қиём, руку ва саждани қайта қилмайди. Фақат намознинг охирида саҳв саждаси қилиши вожиб («Раддул мухтор»). «Намознинг бирор ракатида битта саждани унутиб қилмагани намоз охирида ёдига тушган киши унутган саждасини адо қилади ва тартибга риоя қилмагани учун саҳв саждаси қилиши вожиб. Бошқа рукнларни қайтадан қилиши вожиб эмас» («Баҳрур роиқ»).

«Намознинг бирор ракатида бир саждани унутгани салом берганидан кейин ёдига тушган киши саломдан сўнг намозни бузадиган иш қилмаган бўлса, унутган саждасини адо қилади. Қайтадан ташаҳҳуд ўқийди, сўнг саҳв саждасини қилиб, ташаҳҳуд, салавот ва дуони ўқиб намозни тугатади. Агар саломдан сўнг намозни бузадиган бирор иш қилса ё содир бўлса, намозни қайтадан ўқийди.

**САВОЛ:** Шом намозини қуёш ботганидан кейноқ, ҳали кун ёруғ бўлса ҳам ўқиса бўладими?

**ЖАВОБ:** Шом намози қоронғу тушмаса ҳам, қуёш ботиши билан ўқилади. Чунки шом намозини доимо (йилнинг барча фаслларида) вақти кириши, яъни қуёш ботиши билан ўқиш мустаҳабдир.

**САВОЛ:** Жаннат ва дўзах борлигининг исботи борми?

**ЖАВОБ:** Жаннат ва дўзах ҳозирда бор. Унинг борлиги Қуръони карим оятлари ва мутаботир ҳадислар билан собит бўлган. Қуръони карим оятларини, мутаботир ҳадисларни инкор қилган инсон диндан чиқади.

Жаннат ва дўзах масалалари ғайбий илмлар сарасига киради. Замонавий илм-фан эса, ғайриоддий нарсаларни билишдан ожиздир. Замонавий илмлар фақат шухуд оламига, яъни ҳис-туйғуга боғлиқ нарсаларнигина ўрганади, холос.

5-бетда



# Пайпоқ-маҳсиларга масҳ тортиш ҳақида фатво

Маҳсига масҳ тортишнинг жоизлиги ва юпқа пайпоққа масҳ тортишнинг жоиз эмаслиги борасида барча уламолар иттифоқ қилишган. Ҳозирги кундаги пайпоқ-маҳсиларга масҳ тортиш масаласида уламоларимиз турли фикрлар айтишган. Мазкур пайпоқ-маҳсиларнинг ҳукми фикҳ китобларимиздаги “жавраб” масаласига боғлиқ.

“Жавраб” сўзининг асли “кавраб” бўлиб, араб тилига бошқа тилдан кириб келган. Мўътабар луғат китоблари “Қомусул муҳийт” ва “Лисонул араб”да жавраб — “кишининг оёқларига ўраладиган нарса”, деб таърифланган. Моликий мазҳабининг муҳаққиқ олими Ибн Арабий ҳадисларда келган жаврабни қуйидагича изоҳлайди: “Жавраб — икки оёқни иссиқ тутиш учун жундан тайёрланган, уни (оёқни) ўраб турадиган нарса” (“Оризатул Аҳвазий шарҳу Сунани Термизий”).

Аллома Бадриддин Айний мазкур таърифга қўшимча қилиб, жаврабни одатда ўта совуқ ўлкаларда одамлар кийишини таъкидлаб ўтган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларидаги жаврабга берилган таърифларнинг

ҳаммасини ўрганиб чиқиб хулоса қилинса, у иссиқ тутиш учун оёққа кийиладиган ё ўраладиган жун ёки пахтадан тўқилган қалин мато экани маълум бўлади. Жаврабнинг маҳсидан фарқи шуки, у қалин матодан тайёрланади. Унинг ости ёки усти тери билан қопланган бўлиши ҳам мумкин. Маҳси эса, ошланган теридан тайёрланади.

Замон ўтиши билан хилма-хил оёқ кийимлар кўпайди ва уларга ҳам “жавраб” атамаси ишлатилди. Табиийки, жавраблар турли ўлкаларда турлича бўлган. Шунинг учун фуқаҳолар жаврабга масҳ тортишнинг ҳукми унинг ҳолатига қараб белгиланишини айтишган. Агар:

— ости ва усти тери билан қопланган қалин жаврабга масҳ тортиш, билиттифоқ, жоиз;

— ҳам юпқа, ҳам ости ва усти тери билан қопланмаган жаврабга масҳ тортиш, билиттифоқ, жоиз эмас;

— ости тери билан қопланмаган қалин жаврабга масҳ тортиш — Имоми Аъзамнинг наздида жоиз эмас, икки шогирдининг наздида эса, жоиз” (“Иноя”).

Ибн Нужайм раҳимаҳуллоҳ айтади: “Ип ёки жундан тўқилган юпқа жаврабга масҳ тортиш жоиз эмас. Бу борада хилоф йўқ. Жавраб худди марвликларнинг пайпоғи каби бир фарсах ёки ундан ортиқ йўлни босиб ўтишга ярайдиган даражада қалин бўлса, у ҳолда уламоларнинг фикрлари ҳам турлича бўлади” (“Баҳрур роиқ”).

“Уламолар ижмосига кўра, пайпоқнинг матоси сув сизиб ўтадиган даражада юпқа бўлса, унга масҳ тортиш жоиз эмас” (“Бадоеъ-ус саноеъ”).

“Раддул муҳтор” китобида жаврабга масҳ тортиш учун қуйидаги шартлар қўйилган: бир фарсах масофани яёв босиб ўтишга ярайдиган даражада қалин; оёқда боғичсиз маҳкам турадиган; устидан ости кўринмайдиган; сувни дарҳол ўтказиб юбормайдиган бўлиши.

Мазкур шартлар топилса, ундай жаврабга масҳ тортиш жоиз. Агар битта шарт топилмаса ҳам, масҳ тортиш жоиз эмас.

Бу масалада Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ айтади: “Жавраб буткул теридан бўлмаса ёки унинг таги теридан бўлмаса, унга масҳ тортиш жоиз эмас. Чунки жаврабда маҳсининг хусусияти йўқ. Таги тери бўлмаса, у билан давомий юриб бўлмайди”.

Лекин Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ умрининг охирида, беморлик чоғларида (теридан бўлмаган ва ости тери билан қопланмаган) жаврабига масҳ тортиб, зиёратига келганларга: “Одамларни ундан қайтариб келган нарсамни ўзим қилдим”, деган. Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг аввалги (ости тери билан қопланмаган қалин жаврабга масҳ тортиш жоиз эмас деган) гапидан қайтиб, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаднинг сўзларини ихтиёр қилганига шуни далил қилишади...

## Хулоса:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази уламолар ҳайъати пайпоқ-маҳси (жавраб) масаласида фикҳий манбаларни атрофлича ўрганиб, қуйидаги хулосага келди:

— **теридан тикилган маҳсига масҳ тортиш жоиз. Бунга мужтаҳидлар иттифоқ қилишган;**

— **тўпиқни ёпиб турадиган, этикка ўхшаган пойабзалларга масҳ тортиш жоиз;**

— **замонавий оддий пайпоқларга масҳ тортиш мутлақо жоиз эмас;**

— **пайпоқ-маҳси бир фарсах (5,544 км) масофани яёв босиб ўтишга яраса, оёқда боғичсиз маҳкам тура олса, ташидан ичи (яъни оёқ) кўринмаса, сувни дарҳол ўтказиб юбормайдиган бўлса, унга масҳ тортиш жоиз.**

**Эслатма:** Буларга қўшимча сифатида пайпоқ-маҳсининг таг қисми тери билан қопланган бўлса, унга масҳ тортиш жоизлигига уламоларимиз яқдил фикрдалар. Намозхонларнинг ушбу жиҳатга ҳам эътибор қилишлари мақсадга мувофиқ. Мўмин-мусулмонларга қулайлик яратиш учун пайпоқ-маҳси ишлаб чиқараётган ёки уларни четдан олиб келаётган тадбиркорлар ўз фаолиятларини мазкур шартларга мувофиқ олиб боришларини тавсия қиламиз. Валлоҳу аълам!

Милодий 2022 йил, 21 декабрь  
Ҳижрий 1444 йил, 27 жумодул аввал.  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Фатво маркази



Мутолаа

Нафс касалликларидан бири бу инсон ўзини Аллоҳнинг азобидан омонда ва жаннатга кириши тўлиқ қафолатланган деб қатъий ишониши саналади. Бундай одам барча дуо, ибодатлари, зикру тасбеҳлари Аллоҳ таоло томонидан қабул бўлишига ишониб, нажот ва абдий розилик эшигини ишонч билан тақиллатади. Бироқ унинг гуноҳлари ва камчиликлари туфайли бу эшик унинг учун маҳкам ёпиқ ва минг афсуски, у бундан шубҳаланмайди ҳам.

Хусайн ибн Яҳё менга Масрукдан эшитган бир воқеани айтиб берди. «Кунларнинг бирида Робия Адавийя илм мажлиси ёнидан ўтиб кетаётганида, Солих Муррий раҳимаҳуллоҳ йиғилганларга: “Ким эшикни астойдил тақиллатса, эшик албатта очилади”, деди. Бу

## НАФС ИЛЛАТЛАРИ Ўз нафсига алданиш

сўзларни эшитган Робия Адавийя Солихга: “Эшик очик, лекин сиз ундан қочиб кетяпсиз! Биринчи қадамдан кейин адашсангиз, мақсадингизга қандай эришмоқчисиз?” деди.

Агар банда нафсини турли шаҳватлар ва уларнинг ортидан югуришига ташлаб қўйса, унинг касалликларини даволай оладими?

Агар у ўзини эҳтирослардан ҳимоя қила олмаса, у қандай қилиб фойдасиз ва бекорчи истаклардан халос бўлади?

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамадоний бир донишманднинг Муҳаммад ибн Исҳоқ Сақафийдан, Ибн Абу Дунёдан

силсилавий келган сўзларини менга айтганди. Бу гўзал сўзлар бундай янграйди: “Сизда камчилик (қусур)лар бор экан, руҳингиз сокинлик топади деб ўйламанг. Агар сиз гуноҳ юкини кўтариб юрар экансиз, ҳеч қачон жазодан қочиб қутулишга ва жаннатга тушишга ишончингиз комил бўлмасин”.

## Муолажа услуги

Машҳур олим Сирри Сақатий (772–867) таъкидлашча, бу касалликни даволаш учун банд аамаллари қабул бўлмай қолишидан ҳамиша хавфда бўлиши лозим. Шунингдек, доимо ҳалол луқма билан таомланиши ва

Аллоҳ таолога тақво ҳамда яхши амаллар билан интилиши талаб этилади.

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу айтади: “Мўмин банда токи жаҳаннам устидаги кўприкдан ўтиб кетмагунча ва уни ортда қолдирмагунча Аллоҳнинг азобидан қўрқишдан халос бўлмайди ҳамда унинг қалби тинчланмайди”.

Бу ўринда Ҳорис Муҳосибий раҳимаҳуллоҳнинг қуйидаги сўзларини ҳам келтириш ўринли: “Биз ўзимизни тақводор ва (гуноҳлардан) пок деб биламиз. Бироқ, эҳтимол, биз гуноҳкор ва гуноҳлардан холи эмасмиз. Ахир қандай қилиб биз бундай эмаслигимизга ишонч ҳосил қилишимиз мумкин? Зеро, биз ҳар куни такаббур ва худбинлигимиз сабабли ўтмишда қилган гуноҳларимизга яна гуноҳларни қўшиб борамиз-ку”.



# Инсон қаердан келганини ўйласин

Банда “қул” дегани. Қулда ҳеч қачон кибр ва манманлик бўлмайди. Ўзидан кетмасликнинг бирдан-бир йўли — инсон ўзининг қаердан келганини ўйлашидир. У икки марта таҳорат йўлидан чиқиб келган. Шуни билган одам ҳеч қачон ўзидан кетмайди. Ҳамиша ўзини паст ва камтар тутати. Унинг борадиган жойи қора тупроқдир. Ҳар иккиси ҳам фаҳрга арзигулик эмас. Келган йўли ва борадиган жойи шу бўлган кимса қандай манманлик қилсин?! Мавлоно Жалолиддин Румий бундай дейди:

Замин шуди чи шудий,  
Осмон шуди чи шудий?

Яъни, эй инсон, ер бўлганинда нима бўлдинг-у, осмон бўлганинда нима? Одамлардан пастда бўлган чоғингда ҳам борар жойинг ер, ҳаммадан юқори юрганингда ҳам

борар манзининг — ер. Келгану борар жойини билган кимса доим ўзини камтар тутсин.

Шақиқ Балхий бир куни ўз нафсини маломат қилиб дейди: “Эй Шақиқ, Аллоҳга, азобига тоқат қила оладиган бўлсанг, осий бўл, охиратга ҳожатинг миқдорига қараб ишла, ризқингни дунёда туришинг миқдорига талаб қил, ҳеч қачон йўқ бўлмайдиган дунё учун ишла. Ғубор кўтарилганида мениб юрганинг эшак ёки от эканини биласан”.

## Булут қаёққа кетди?

Имом Шаъбий бундай дейди: “Бир кишининг устида булут соя

солиб борарди. Буни кўрган бошқаси ундан насиба оламан, деб орқасидан эргашиди.

Буни кўриб аввалгиси фахрланди. Бир жойга боргач, иккига ажралдилар.

Булут кейинги одам билан бирга кетди”. Инсон фахрланиш сабабли фазилатдан ажраб қолиши аниқ.

Исҳоқ ибн Халаф айтади: “Амр ибн Қайс қачон йиғласа, юзини деворга буриб, узр, бир оз шамоллаган эдим, ўтиб кетади, деб шерикларидан яширар эди. Бу билан нафсида пайдо бўлиши мумкин бўлган ғурурнинг олдини олар эди”.

Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ,

Наманган вилояти Учкўрғон тумани  
“Шархончек” жоме масжиди имом ноиб

### Ҳикоя

## Қумдаги ва тошдаги ёзув



Икки дўст тортишиб қолди ва бири иккинчисига мушт туширди. Зарбдан чайқалиб кетган йигит

бир оғиз ҳам сўз демади, фақат қумга “Бугун энг яқин дўстим менга мушт туширди”, деб ёзиб қўйди.

Улар йўлда давом этишди. Олдиларидан анҳор чиқди ва улар чўмилишни хоҳлашди. Бояги мушт еган йигит бирдан чўка бошлади. Дўсти уни қутқариб қолди. У ўзига келгач, бир тошга “Бугун мени энг яқин дўстим ўлимдан қутқариб қолди”, деб ёзиб қўйди.

Халоскор йигит сўради:

— Сени ранжитганимни қумга

ёзганинг, қутқарганимни тошга ёздинг. Сабаби нима?

Дўсти жавоб берди:

— Бизни кимдир ранжитса, уни қумга ёзишимиз керак. Токи шамоллар тозалаб, учуриб кетсин. Бироқ кимдир бизга яхшилик қиладиган бўлса, уни, албатта, тошга ўйиб ёзишимиз керак. Токи ҳеч қандай шамол, ҳеч қандай бўрон уни ўчира олмасин!

Ориф ТОЛИБ

## Одамлардан умид қилиш

Нафсининг касалликларидан бири — Аллоҳга таваккул қилишдан кўра, одамларга суяниш, улардан ёрдам сўраш. Ушбу касаллик Аллоҳ таоло барча махлуқотларига ризқ беришни зиммасига олган бўлишига қарамай, инсон ўз ризқи ҳақида ҳаддан ортиқ қайғуришида ҳам намоён бўлади.

### Муолажа услуби

Бундай касалликдан халос бўлиш учун Аллоҳ таолонинг қуйидаги ваъдаси билан иймонни мустаҳкам қилиш лозимдир. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: «Агар Аллоҳ сени зарар ила тутса, Ундан ўзга ўшанга қушойиш берувчи йўқдир. Агар У сенга яхшиликни ирода қилса, Унинг фазлини рад қилувчи ҳам йўқдир. Уни бандаларидан хоҳлаганига етказадим. У мағфират қилувчи ва раҳмли Зотдир» (Юнус сураси, 107-оят).

Қолаверса, Аллоҳ таолонинг ушбу оятини ҳамиша ёдда сақлаш керак: «**Ерда ўрмалаган нарсаси борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир. У зот уларнинг турар жойларини ҳам, борар жойларини ҳам билур. Ҳамма нарсаси очик-равшан китобда<sup>1</sup> бордир**» (Худ сураси, 6-оят).

Бир куни Аҳнаф ибн Қайс раҳимахуллоҳдан: “Қандай қилиб сиз бу одамларга улар орасида каттаси бўлмай туриб бош бўлдингиз?” деб сўрашди. Аҳнаф уларнинг саволига бундай жавоб берди: “Зиммамга юклатилган вазифамни бекам кўст бажаришга ҳаракат қилдим ва мен масъул бўлмаган ишларга аралашмадим. Чунки Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган: «Бас, Унга ибодат қилинг ва Ўзига суянинг!» (Худ сураси, 123-оят).

Агар банда одамларнинг ожиз, заиф ва фақат Аллоҳ таолонинг

изни билангина бирор ёрдам беришлари мумкинлигини англаб етса, бу касалликдан халос бўлади. Ҳар бир инсон ёрдамга муҳтожлигини билган одам бошқаларга суянмайди, балки фақат Аллоҳ таолога таваккул қилади.

Абу Али Сақафий раҳимахуллоҳ айтади: “Бу уммат шундай замонларга гувоҳ бўладики, тирикчилигини тебратиш учун бирор мунофиқнинг ёрдамига мурожаат қилишга муҳтож бўлади”.

Абу Абдураҳмон Сулабийнинг  
“Нафс иллатлари ва уларнинг  
муолажаси” китобидан  
Даврон НУРМУҲАММАД  
таржимаси

<sup>1</sup> “Очик-равшан китоб”дан мурод — Лавҳул Махфўз. У бутун борлиқдаги ўтган, ҳозир мавжуд ва келажақда бўладиган барча воқеа, ҳодиса ва нарсалар битилган ўчмас лавҳдир.

### Масала

3-бетда

**САВОЛ:** Бомдод наомзининг фарзида адашиб ташаххўддан кейин ўнг тарафга салом бериб юбордим. Адашганим эсимга тушиб, намозда давом этдим. Тўғри қилганманми?

**ЖАВОБ:** Намозингиз тўғри бўлган. Фақат вожибни, яъни салом беришни ўз ўрнида адо этмаганингиз учун саждаи саҳв қилишингиз лозим.

**САВОЛ:** Таҳорат олишга улгурмаганим учун бомдоднинг охирги вақтида таяммум қилиб намоз ўқидим. Кейин билсам, тунда эҳтилом бўлган эканман. Намозим қабул бўлганми?

**ЖАВОБ:** Фарз намозларини, жумладан, беш вақт намоз ва жума наомзини вақт кам қолгани сабабли таяммум қилиб ўқиш жоиз эмас. Сув бор бўлиб, уни ишлатишга моне бўлмаган ўринда қилинган таяммум таҳоратнинг ҳам, ғуслнинг ҳам ўрнига ўтмайди. Ғусл қилиб, наомзингизнинг қазосини ўқийсиз.

**САВОЛ:** Хатна қилинган ҳолида туғилган чақалоқ яна хатна қилинадими?

**ЖАВОБ:** Хатна суннат амал бўлиб, Ислом шиорларидан биридир. Хатна қилинган ҳолида туғилган гўдак яна хатна қилинмайди. Аммо гўдак жинсий аъзосининг уч қисмини ортиқча тери ўраб турган бўлса, кесилади.

“Гўдак жинсий аъзосининг уч қисми хатна қилинган даражада кўришиб турса, хатна қилинмайди” (“Канзуд дақоик”).

**САВОЛ:** Насияга олинган молнинг пулини долларда тўлашим керак эди. Имкон тополмай қолсам, пулни долларда эмас, сўмда тўласам ҳам бўладими?

**ЖАВОБ:** Келишув долларда бўлиб, белгиланган муддат келган пайт харидорнинг қўлида доллар бўлмаса, ўзаро розилик билан долларнинг ўша кунги қийматида сўм бериши мумкин.

7-бетда



# Эй нубувват хайлиға хотам бани Одам аро...

Эй нубувват хайлиға хотам бани Одам аро,  
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро.

Эй одам зоти ичида пайғамбарлар аҳлига  
муҳр (якунловчи) бўлган зот, агар улар узук бўл-  
салар, сиз ўша узукка ёзилган исмсиэ.

Юэ эшигинг туфроғига сурта олғайменму деб,  
Чарх қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро.

Эшигингиз тупроғига юзимни сурта олар-  
миканман деб, қуёш осмондаги қасридан ҳар  
куни олам томон келади.

Анжум ичра оразинг меърож шоми ўйлаким,  
Тушса дурри шабчироғе ҳар тараф шабнам аро.

Юлдузлар, гўё сиз Меърожга чиққанин-  
гизда юзингиз нуридан баҳра олиб, худди

шамнам каби ҳар томонга сочилиб кетган ос-  
мон шамчироғларидир.

Не учун киймиш қаро ҳарён солиб жийбиға чок,  
Фурқатингдан Каъба гар қолмайдурур мотам  
аро?

Каъба сиздан айрилгани учун мотам тутиб,  
қора кийимининг ёқасини ҳар томондан чок-  
чок қилиб йиртиб олмадимми?

Соф кўнглида юзунг меҳрини гўё асрамиш,  
Туш чоғи ҳар кун қуёш акси эмас Замзам аро.

Ҳар куни туш чоғида Замзам қудуғи ичра  
ярқираган қуёшнинг акси — гўё унинг тоза кўн-  
лида асралган чеҳрангиз тажаллийси.

Машъале бўлмиш малак илгида равзанг бошиға,  
Ой чароғи кечалар бу нилгун торам аро.

Ёруғ, мунаввар бўлсин деб, қоронғи кечалар-  
да фаришталар Ойни равзангиз узра машъала  
қилиб тутиб туришибди.

Қум эмас Батходаким, меҳри жамолинг ҳажридин  
Зарра-зарра жисми бир-бирдин тўкулди ғам аро.

Батҳодаги (Макка яқинидаги бир дара номи)  
қум эмас, балки жамолингиз фироқида жисми  
зарра-зарра бўлиб тўкилиб тушган заминдир.

Йўл эмас, Ясрибда йиртибдур юзин тирноғ ила,  
Мақдаминг то етмади ул водийи хуррам аро.

Ясриб (Мадина кўчалари)даги йўллар йўл  
эмас, балки бу хуррам водий узра қадамингиз

қўйилмай қолгани (сиздан айрилгани) учун  
тирноқ билан тирналган юздаги жароҳат  
кабидир.

Итларнинг махсусу маҳзундир Навоий, қошки  
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумраи маҳрам аро.

Жаннатда сизнинг суҳбатингиздан баҳра-  
манд бўладиган хос умматларингиз сафига мен  
ҳам кирармиканман деб, дийдорингизу суҳба-  
тингиздан маҳрум, вафодор, фидойингиз — На-  
воий маҳзундир.

Олимжон ОБИДЖОНОВ,

Қувасой шаҳар “Ислом” жоме масжиди имом ноиби

## Расулulloҳга ошиқлар

Кунларнинг бирида Анас ибн Молик  
розияллоху анҳу Абу Олия Риёҳийга олма  
берди. У олмани олиб ҳидлади, сўнг ўпиб,  
юзига суртди-да: “Бу олмани ушлаган қўл-  
га Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва сал-  
ламнинг кафтлари теккан!” деди.

\*\*\*

Бир куни Анас ибн Молик розияллоху  
анҳу: “Бирор туним йўқки, унда ҳабибим  
— Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва сал-  
ламни кўрмаган бўлсам”, деди-да, йиғлаб  
юборди...

Ибн Саъднинг “Табақот”идан

Олимжон Обиджо-  
нов 1971 йилда Фарғо-  
на вилоятининг Қува-  
сой шаҳрида туғилган.  
2002 йилда Имом Бухо-  
рий номидаги Тошкент  
ислом институтини  
битирган. 1998 йил-  
дан буён Қувасой шаҳар  
“Ислом” жоме масжиди  
имом ноиби.



## Дин ва фан

# Мусулмон физигининг ихтиролари

Садеттин Окте “Ислом энциклопедияси”да ёзишича, Абдурахмон Хозиний (мил. 1077) астроном, механик, математик, файласуф ва кимёгар сифатида машҳур бўлган.

Умар Хайёмнинг шогирди, XII асрнинг яна бир йирик фан вакили, машҳур механик ва астроном Абул Фатҳ Абдурахмон Мансур Хозин Марв шаҳрида туғилди. Дастлабки маълумотни Марвда олди. Кейинроқ Умар Хайёмга шогирд тушиб, ундан аниқ фанлар асрори-ни ўрганган<sup>1</sup>. У салжуқийлар султони Маликшоҳнинг вазири Абу Хусайн Марвазийнинг кули эди. Хўжайини ғазначи бўлгани учун “Хозиний” (ғазначи) лақабини олган. Гап шундаки, Марвазий Абдурахмоннинг қобилиятини кўриб, таълимига алоҳида аҳамият берди, ўқиши учун яхши шароит яратди. Хожасининг ёрдами билан Хозиний ўша даврда энг яхши таълим, хусусан, математика ва фалсафани ўрганган<sup>2</sup>.

Хозиний ўз тадқиқотини султон Санжар кўмагида, ўша даврда фан ва маданият маркази бўлган Марвда олиб боради. Абдурахмон Хозиний султон учун узоқ вақт давомида ана шундай асарларнинг энг ишончлиси ҳисобланган машҳур


“Зиж” (астрономик жадваллар)ни тайёрлади.

Қайд этилган “Зиж”лардан ташқари Хозинийнинг механика, гидростатика ва физикага оид китоби ўрта асрларда энг муҳим асарлардан бири “Донолик тарозуси”-дир. Мазкур асар 1121 йилда худди шу номдаги тарозуларнинг яратилиши муносабати билан ёзилди.

Асар саккизта китобдан иборат. Биринчи китобда гидростатик тарозиларнинг ишлаш геометрик ва физик тамойиллари, иккинчиси тарозилар ҳақида умумий маълумотлар, учинчиси металллар, қимматбаҳо тошлар ва бошқа нарсаларнинг солиштирма оғирлигини топиш усуллари, тўртинчисида Архимед, Менелай, Абу Бакр Розий ва санаб ўтилган масалалар бўйича Умар Хайём фикрлари, бешинчи ва олтинчи китобларда тарози қисмлари, йиғилиши ва қўлланилиши, еттинчи ва саккизинчи китобларда гидростатик тарозилардаги ўзгаришлар, бошқа турдаги тарозилар ҳақидаги маълумотлар,

шунингдек, кўплаб жадваллар ўрин олган.

Хозиний машҳур тарозуси ёрдамида сувдаги тана вазнининг қайиғилиши аниқлади. Олим бу тарозиларга “Мезонул ҳикма” — “Донолик тарозуси” деб ном берди. Улар шунчалик аниқ ишланганки, улар ёрдами билан олинган натижалар замонавий ўлчов асбоблари томонидан берилган натижалардан унчалик фарқ қилмайди.



Мазкур тарози XII асрда Хозиний томонидан ихтиро қилинган биринчи аниқ тарози ҳисобланади. Унинг стаканлари билан тарози оғирлиги 0,1% дан ошмай-диган хато билан ўлчаган. Тарози ёрдамида қимматбаҳо металллар ва тошларнинг тозаллиги, шунингдек, қотишмалардаги турли металлларнинг миқдори ҳамда сохта тошлар ва тангаларни аниқлаш мумкин эди. Ушбу тарозилар пайдо бўлиши натижасида одамлар ҳаёти анча осонлашди. Ихтиро қилинган қўлчилликка фойдали бўлиб, у савдо-сотиқда савдогарлар

ва назоратчилар учун асосий иш қуролга айланди.

Асбоб бешта косали ва ҳаракатланувчи тенг оғирликдаги паллалар тарози эди. Унинг ёрдамида ҳавода ва сувда турли хил оғирликлар тортилиши мумкин эди. Ушбу тарози аниқлик жиҳатидан илгари яратилган бошқа шунга ўхшаш асбоблардан анча устун бўлди<sup>3</sup>.

Хозиний ўз даврининг катта олими, хурмат-этиборга эга шахси бўлса-да, озгина нарсга қаноат қиладиган зоҳид эди. Султон Санжар “Зиж” учун мукофот сифатида унга минг динор юборганида: “Яшаш учун йилига уч динор керак, менда эса ўн динор бор”, деб уларни қайтариб юборди<sup>4</sup>. Хозиний бутун ҳаётини илм-фан ва мусулмонлар хизматига бағишлади. Аллоҳ таоло эса унинг хизматини бутун инсониятга фойдали қилиб қўйди.

Манбалар асосида

Мунаввара РУСТАМ қизи тайёрлади.

<sup>1</sup> Toshpo'lat Usmonov. Fizika tarixidan metodik qo'llanma. Toshkent – 2003. “O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti”, 4-bet.

<sup>2</sup> Sadettin Otkening “Islom Ansiklopedisi”.

<sup>3</sup> Ўша манба.

<sup>4</sup> Ўша манба.



# Фатво бериш масъулияти

1-бетда

“Муфтий ҳукмларни етказишда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўринбосар ва у зотнинг меросхўридир. Шу боис у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам номларидан гапиради”.

Илмсизлик билан нотўғри фатво бериш Аллоҳ таолонинг номига туҳмат қилиш саналади: «**Айтинг: “Раббим, албатта, фаҳш ишларнинг ошкораю пинҳонасини, гуноҳ (ишлар)ни, ноҳақ тажовузкорликни ва Аллоҳ ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарс(лар)ни Унга шерик қилишини ҳамда Аллоҳнинг шаънига ўзингиз билмаган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилди”**» (Аъроф сураси, 33-оят).

«**Аллоҳ номидан ёлғон тўқиб, тилларингизга келган ёлғонни гапириб: “Бу ҳалол, бу ҳаром” деяверманг! Чунки Аллоҳ шаънига ёлғон тўқийдиган кимсалар асло нажот топмагайлар.** (Улар учун дунёда) **озгина роҳат (бўлур).** (Охиратда эса) **улар учун аламли азоб бордир**” (Наҳл сураси, 116-, 117-оятлар).

Шу боис саҳобалар фатво беришдан имкон қадар ўзларини тийиб юришган. Ҳадиси шарифда: **“Ким илмсиз фатво берса, унинг гуноҳи фатво берган кишига бўлади. Ким ўз биродарига тўғри йўл бошқа томонда эканини билиб туриб, иккинчи бир йўлга ишора қилса, унга хиёнат қилибди”**, дейилади (Имом Абу Довуд ривояти).

Жобир розияллоҳу анхундан ривоят қилинади: «**Биз сафарга чиқдик. Орамиздан бир кишига тош тегиб, бошини ёрди. Кейин у эҳтилом бўлиб қолди ва шерикларидан:**

## Ибратли ҳикоялар

## Судхўрга дарс берган Баҳлул

Баҳлул Доно халифа Ҳорун Рашид замонида яшаган олим эди. У халқ учун девона, болалар учун эрмак, илм соҳиблари учун ориф, Ҳорун Рашид учун эса бир муршид эди. Унинг ғаройиб ишларини ақл билан изоҳлаш мушкул эди.

У қабристонда ухларди. Бунинг сабабини сўрганларга, ўликлар ҳеч қачон хиёнат қилмайдилар, дерди. Унга қўрқувни эслатганларга, аслида тириклардан қўрқиш лозим. Одам марҳумлар ёнида беҳавотир бўлади, деб айтди.

Шаҳарда бир судхўр бўлиб, одамларга пул бериб, фоизи билан қайтариб оларди. Қизиғи шундаки,

“Менинг таяммум қилишимга руҳсат топа оласизларми?” деб сўради. Улар: “Биз сенга руҳсат топа олмаимиз. Чунки сен сувга қодирсан”, дейишди. Ҳалиги одам гул қилган эди, ўлиб қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларига қайтганимизда ўша иш ҳақида хабар берилди. Шунда у зот: **“Улар уни ўлдирди. Аллоҳ ҳам уларни ўлдирсин. Билмасалар сўрамайдиларми? Ахир билмасликнинг шифоси сўраш-ку! У одамнинг таяммум қилиши ва жароҳати устига бир латтани қўйиб ёки боғлаб (бу ровий Мусонинг шаккидир), сўнгра уни устига масҳ тортиб, қолган жисмини ювиши кифоя қиларди”**, дедилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Чуқур илм, тажриба ва холислик каби фазилатга эга бўлмай туриб, фатво беришнинг оқибати ўта хатарли. Бунинг яхши англаб етган мусулмонларнинг дастлабки авлоди ўзларидан илмни шахс бўлган жойда сукут сақлаганлар. Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ “Ал-Мажмуъ” номли китобида Абдурахмон ибн Абу Лайлодан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг 120 ансорий саҳобасидан савол сўралганида, “анавидан сўра” деб, бошқаларига ишора қилинган ва охири савол яна аввалгисига қайтиб келганини кўрдим”.

Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ айтиди: “Илм зое бўлиб кетиши борасида Аллоҳдан қўрқмаганимда, ҳеч кимга фатво бермаган бўлар эдим. Фатвони олган хотиржам бўладию жавобгарлик менга бўлади” (Хатиб Бағдодий. “Ал-фақиҳ вал мутафаққиҳ”).

Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳнинг элликта масаладан биттасига ҳам жавоб бермаган пайтлари бўлган. Бунинг сабаби

сўралганда: “Жавоб берувчи ўзини аввал дўзахга солиб кўрсин, халос бўлишига кўзи етса, жавоб берсин”, деган экан.

Таъкидлаш лозимки, фатво бериш ўта масъулиятли бўлганидан унга ҳамма ҳам журъат қилавермайди. Чунки унинг ортидан жамият учун катта хатарлар келиб чиқиш мумкин. Шайх Рамзон Бутий раҳимаҳуллоҳ айтиди: “Ҳукм чиқариш илми тиб илми кабир. Фарзанди оғир касал бўлиб қолган киши тўғри ташхис қўйиш ва фарзандини даволаш учун тиббиётга оид китобларни варақлайдими ёки малакали шифокорнинг олдида борадими? Агар унинг эси жойида бўлса, иккинчи йўлни танлайди. Динда ҳам худди шундай, балки ундан ҳам муҳимроқ ва қамров жиҳатидан хавфлироқдир”.

Сир эмас, ҳозир оят ва ҳадислардан ўзича ҳукм чиқариш, нотўғри фатволар бериш анча урчиди. Баъзи бир кимсалар ёки маълум мақсадларга йўналтирилган тузилмаларнинг қўштирноқ ичидаги фатволари одамларнинг Исломи маърифатидан узоқлашишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, уларнинг “жиҳод”, “байъат”, “тақфир”, “бемазҳаблик”, “ҳижрат” каби масалалардаги асоссиз “фатволари” ноҳақ қонлар тўкилиб, инсонларнинг дахлсиз ҳуқуқлари поймол бўлишига олиб келди.

Хулоса қилиб айтганда, илмсиз ҳолда фатво бериш ёки учраган кишидан фатво сўраш, унга эргашиб кетавериш адашувнинг асосидир.

Абдуллатиф ТУРСУНОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Фатво маркази бош мутахассиси

## Масала

5-бетда

**САВОЛ:** Мевали боғларни ҳали меваси пишиб етилмасидан олдин сотиб олиш жоизми?

**ЖАВОБ:** “Ҳали пишиб етилмаган ёки энди пишган меваларнинг савдоси дуруст. Фақат уни сотиб олган харидор пишган меваларни дарҳол узиб олиши жоиз. Сотиб олинган меваларни дарахтида қолдиришни шарт қилиш (масалан, “пишганидан кейин шунча муддат туриб туради”, дейиш) савдони фосид қилади” (“Мухтасарул виқоя”). Агар шарт қилинмаган бўлса, савдо битгач, ҳақини берган харидор меваларни дарахт устида туриб туришини илтимос қилса ва сотувчи ўз ихтиёри билан бунга рози бўлса, жоиз.

Боғидаги меваларнинг ҳаммасини сотган киши харидорнинг руҳсатисиз ундан ея олмайди.

**САВОЛ:** Баъзи таомларга тилла қўйиш урф бўлмоқда. Бундай таомларни ейиш мумкинми?

**ЖАВОБ:** Тилланинг ўзини ёки уни бирор таомга қўшиб ейиш ҳалол бўлмайди. Биринчидан, аслида олтин ва кумуш нақд пул ҳамда аёлларга зийнат қилиб яратилган. Аллоҳ таоло бундай деган: **«Биз: “Эй Одам, сен ва жуфтинг (Ҳавво) жаннатда яшангиз ва хоҳлаган жойларингизда ундан (неъматларидан) бемалол тановул қилингиз. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангизки, зотингиздан бўлиб қолурсиз”, дедик»** (Бақара сураси, 35-оят).

Ушбу оятда ман этилган нарсани ейиш зулм дейилмоқда. Демак, тилла ёки кумушни ейиш ҳам зулм ҳисобланади.

Иккинчидан, олтин ва кумушдан ясалган идишларга таом ва сув солиб ейиш, ичиш ҳам жоиз эмас. Набий алайҳиссалом бундай амр этганлар: **“Олтин ва кумуш идишларда (таом ва сув) ичманглар...”** (Муттафақун алайҳ).

Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси Фатво маркази.  
Тел. 78-150-33-44



# Юксак эъзоз намунаси

Давлатимиз раҳбарининг “Марҳум шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохонни “Олий Даражали Имом Бухорий” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони нафақат улуғ уламога, балки муқаддас динимиз, мамлакатимиз мусулмонларига кўрсатилган юксак эъзоз ва эҳтиром рамзи бўлди.

Дарвоқе, бу зоти шарифнинг миллатимиз ва динимиз олдидagi хизматлари беқиёс. Шайх Зиёвуддинхон ҳазратлари ғоят мураккаб тарихий даврда фаолият кўрсатиб, юртимизда Ислоҳ маданияти ва илм-фанни ривожлантириш, динимизнинг асл инсонпарварлик моҳиятини кишиларга содда тарзда етказиб бериш, шунингдек,

буюк мутафаккирларимизнинг бой маънавий-маданий меросини жаҳон бўйлаб кенг тарғиб этиш ишларига улкан ҳисса қўшди. Ўз ҳаётини том маънода дин хизматида бағишлади ҳамда юксак ахлоқи, ҳақгўйлиги, илми билан халқимиз қалбида ўчмас из қолдирди.

Марҳум шайхимиз ҳаёти кишиларга ибрат ва намуна ҳисобланади. У зот ҳар доим муқаддас динимиз аҳкомларига бўйсуниб умр кечирди, кишиларни ҳам шунга даъват этди. Мўмин-мусулмонларга эзгулик ҳамда диний маърифат зиёсини улашишдан чарчамади. Айниқса, муҳтожларга кўрсатган меҳр-мурувватлари таҳсинга сазовор.

Бобохонлар сулоласининг бугунги авлоди ҳам Шайх Зиёвуддинхон ҳазратлари улуғлаган, қадрлаган анъаналарни давом эттиришмоқда. Жумладан, “Муфтий Бобохонлар” жамғармаси диний таълим муассасалари талабалари, масжид ва мадраса ходимлари, эҳтиёжманд инсонларга ҳар томонлама кўмак кўрсатмоқда. Қолаверса, шайх Зиёвуддинхон ҳазратларининг шахсий кутубхонасидаги нодир асарлар ва бошқа осори-атиқалар халқимизга хизмат қилмоқда.

Яқинда пойтахтимиздаги “Мумтоз” тўйхонасида Бобохонлар сулоласи томонидан уюштирилган тадбирда ҳам улуғ уламо ҳақида жуда илиқ фикрлар

билдирилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар, Шайх Абдулазиз Мансур, Қирғизистон мусулмонлари вакили Содик ҳожи Камоловлар Марказий Осиёда муқаддас динимизни равнақ топтиришга улкан ҳисса қўшган муфтий Бобохонлар сулоласи тарихи, Эшон Бобохон, Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва Шамсуддинхон Бобохоннинг бе-назир хизматлари ҳақида ёрқин хотиралари билан ўртоқлашишди, дуолар қилишди. Шу билан бирга, ушбу азияларимизнинг номлари нафақат мамлакатимизда, балки қўшни республикаларда ҳам абадийлаштирилиши адолатдан бўлиши таъкидланди.

Хулоса ўрнида айтсак, Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон улкан диний арбоб, етук уламо сифатида ном қолдирди. Унинг ижод ва ҳаёт йўлини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, айниқса, ёшлар ўртасида диний мутаассиб-ликнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратилаётган ҳозирги даврда ҳар қачонгидан ҳам долзарб ва муҳимдир.

## Тарбия

вақти”ни ўтказ-сак, бунинг самараси ниҳоятда катта бўлади. Шу билан кифояланмай, ўғил-қизингизнинг мактабда фанларни ўзлаштириши, хулқидан хабардор бўлиб турсангиз, ўқитувчилари билан бамаслаҳат иш тутсангиз, мақсадга мувофиқ бўлади.

Фақат ўз фарзандимиз эмас, маҳалламиздаги болаларнинг тарбиясига ҳам эътиборли бўлишимиз зарур. Чунки қовун қовундан ранг олади, деганларидек, оилангизда ҳар қанча тарбияга зўр берманг, қўшингизнинг боласи ахлоқсиз бўлса, ундаги иллатлар сизнинг фарзандингизга ҳам ўтиши мумкин. Ўша бадахлоқ болага чиройли насиҳат қилсак, кўнглига йўл изласак, у яхши томонга ўзгариши ҳеч гапмас. Бунинг савоби қанчалик улуғлигини тасаввур қилолмайсиз.

Ёки маҳалламизда яшовчи бир етимнинг бошини силасак, мактаб учун зарур кийим-бош ва ўқув қуролларини олиб берсак, қанчалик яхшилиқ улашган бўламиз.

Аллоҳ таоло ҳар биримизга яхшилиқ қилишни, ёмонликдан қайтаришни насиб айлсин.

**Ҳорунжон АЮБХОНОВ,**

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг  
фахрий уламолар кенгаши аъзоси,  
“Дўстлик” ордени соҳиби, меҳнат  
фахрийси.

# Китобхонлик оиладан бошланади

Президентимизнинг жорий йил июнь ойида вилоятимизга ташрифи доирасида фаоллар билан учрашув чоғида залдагиларга қарата: “Айтинглар-чи, ким оила даврасида ҳар ҳафта дам олиш кунлари фарзандлари билан ўн бет китоб ўқийди?!” дея айтган сўзлари барчани чуқур ўйга толдирди. Чунки энг оғрикли масала тилга олинган эди.

Чиндан ҳам китобхонлик, мутолаа кўпчилигимиз учун энг кейинги даражали машғулотга айланган. Ахир бусиз таълим, тарбия, одоб, ахлоқ ҳақида сўз юритиш мумкинми? Йўқ. Энг асосийси, китоб бебаҳо маслаҳатчи, у билан дўст тутиниш ҳаётимизга мазмун бағишлайди. Шундай экан, болада китобга меҳрни ким уйғотиши керак? Шубҳасиз, ота-она.

Аллоҳ таоло фарзандни ота-онага омонат қилиб берган. Унинг таълим-тарбияси учун ота-она масъул. Агар бу мажбуриятни бажармаса, қиёмат кунда Аллоҳ таоло ҳузурида жавоб беради.

Қуш уясида кўрганини қилди деганидек, бола ота-онасидан андоза олади. Афсус, ҳозир одамларда лоқайдлик, бир-бирини кўра олмаслик, ғийбат улаш-миш-мишга, ҳою ҳавасга ўчлик,

кибр, манманлик, исрофгарчилик, дабдабозлик каби иллатлар авж олганини кўриш мумкин. Ачинарлиси, бу нарсалар эр-хотин, қайнона-келин ҳамда кўни-қўш-нилар орасида келишмовчиликларга, оилалардаги парокандаликка, ёшлар ўртасида ахлоқсизликларга сабаб бўлмоқда. Ўйлаб кўрсак, барчаси оилادا тарбияга эътиборсизлик, маънавий муҳитнинг носоғломлигига бориб тақалади.

Нажот – таълим, тарбия ва билимда. Барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия орқали эришилади.

Ота-оналарга мурожаат қилиб айтиш зарур, фарзандингиз тарбиясига ҳеч қачон бепарво бўлманг, бу юмушни бир зум ҳам кечиктирманг. Болангизнинг тили чиқиши билан қалбига яхшилиқ ва маънавият уруғини сепинг. Уни ҳасад, таъма, ғазаб, ғийбат ва зулм, бировларни мазах қилиш, ёлғончилик ҳамда бахиллик каби ёмон одатлардан ҳимоя қилинг. Бу сизнинг фарзандингизга қилган энг катта яхши-лигингиз бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг тавсиясига амал қилиб, ҳар ҳафта дам олиш кунини оиламизда “тарбия соати” ёки “китобхонлик

## Газетхон илҳами

### Тўрт муча

Холиқ Зот яратди бекаму-қўст,  
Томчи нутфадан ясаб, суягу гўшт.  
Тўрт муча: қўл, оёқ, тана ва бош,  
Тўлдириб турар ҳар бири ёндош.

Бош – эллик беш суякдан терилди,  
Етти бўлак думалоқ суякдан.  
Бўйин-томоқ бирга бичилди,  
Сўнг ўн икки қовурға битилди.

Умurtқа поғона йиғирма тўрт,  
Ичида сақлар мия – ўзи мўрт.  
Ўн тўққизтаси елкаю қўлда  
Яна ўн тўққиз сонун болдирда.

Маидалари ҳисобсиз жуда кўп,  
Мукул-пай билан бирлаштирган хўп.  
Суяк ости шакли ўйиқ мослашган,  
Устига соққасимон жойлашган.

Бир юз йиғирма етти та нукта,  
Тўрт мучасига жойлади пухта.  
Бир-бирига қилмади омухта,  
Мўъжиза эрур, бил, эмас сохта.

Аллоҳ яширган нуқталарни топ,  
Ўқиб, изла, у даво асоси.  
Аста уқалаш унинг хоссаси,  
Шу эрур ўзига хос шиғоси.

**Нормирза ҳожи РАҲМАТОВ,**

Уйчи тумани

## Muassis:

O'zbekiston musulmonlari  
idorasi "Shamsuddinxon  
Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek  
IMOMNAZAROV**

**Шамсуддин Нури**

Bosh muharrir:  
**Abdul Jalil XO'JAM**

## Tahrir hay'ati:

|                              |                           |
|------------------------------|---------------------------|
| Shayx Nuriddin<br>XOLIQNAZAR | Tolibjon NIZOMOV          |
| Sodiq TOSHBOYEV              | Hikmatulloh<br>TOSHEMIROV |
| Homidjon ISHMATBEKOV         | Muzaffar KAMOLOV          |
| Jaloliddin HAMROQULOV        | Azizbek XOLNAZAROV        |
| Obidjon QODIROV              | Jamoatchilik kengashi     |
| Uyg'un G'OFUROV              | Alisher ESHIMOV           |
| Muhammadsharif JUMAN         | Islomiddin<br>ZUHRIDDINOV |
| Xolmat ATABAYEV              | Rustam JAMILOV            |
| Komiljon BURXONOV            |                           |

Toshkent – 100069, Zargaynar  
18-berkko'cha, 47-a uy.

**(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.**  
[m-nashr@mail.ru](mailto:m-nashr@mail.ru)

[www.hidoyatuz](http://www.hidoyatuz)

Nashr ko'rsatkichi: 195  
ISSN 2091-5225  
2020-yil 3-sentabrda  
0017-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.  
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:

**Akmalxon AHMEDOV**

Musahhiha:

**Zebo OMONOVA**

Sahifalovchi:

**Komiljon MAHMUDOV**

Ekspertizaga berildi:

**22.09.2023**

Xulosa (№03-07/7393) olindi:

**27.09.2023**

"SHAMSUDDINXON  
BOBOXONOV" NMIU

bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.650

227/17-buyurtma.

Bosmaxona manzili:

Toshkent shahri, Zargaynar

18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор.  
Ноҳиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and  
hadiths. Please, do not put it  
in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не  
оставляйте в неподходящих местах!